

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2015-yil 31-yanvar, shanba № 9 (15855)

Kun mavzusi

## МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕАГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Кеча Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг раислари ва аъзолари, шунингдек, ҳудудий матбуот марказлари раҳбарлари учун ташкил этилган икки кунлик республика семинар-тренинги ўз ишини бошлади. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сайлов ҳуқуқи бўйича миллий экспертлар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

«Kamolot» УН Markaziy Kengashida

## САРҲИСОБ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида Ҳаракатнинг 2014 йил якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ҳаракат аъзолари, Марказий Кенгаш раиси ва ўринбосарлари, ҳудудий кенгашлар раислари иштирокида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»да белгиланган вазифалар ижроси, бюджет ва 2015 йилга мўлжалланган иш режаси каби масалалар кўриб чиқилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Millatlararo totuvlik

## Ҳар миллат бу юртда топгай саодат!



Тинч юрт, мусаффо осмон — бахтли ҳаёт негизда айнан шу тушунчалар мужассам. Тинчлик бор жойда тараққиёт, эртанги кунга ишонч бор. Халқимиз тинчлик-тотувлик дунёда энг олий неъмат эканини яхши билади. Уни қадрлаб, асраб-авайлайди.

Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик умумбашарий қадрият саналади. У муайян жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари аҳилли-

гининг маънавий асосини мустаҳкамлайди, шу ҳудуддаги тинчлик ва барқарорликнинг, тараққиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиз-

дан ортиқ миллат ва элат, ўн олти диний конфессия вакиллари ягона ва аҳил оила фарзандларидек яшаб, мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини жадал раванқ топтириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда.

(Давоми 5-саҳифада)

Zulfiya tavalludining 100 yilligiga

## ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ҚИЗИМАН

Севимли шоирамиз Зулфиянинг баҳор ҳавосидек тиниқ ҳис-туйғулар, чин инсоний, гўзал хислатларга лиммо-лим шеърлари доим менга илҳом бағишлайди. Бу шеърларда ижодкорнинг ўз халқига чексиз ҳурмати, меҳри ва ишончи, покиза эътиқоди мужассам.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда инсон қадр топди. «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган эзгу тамойил жамиятимизнинг барча соҳаларини янгилаш борасида

амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг асосий ғоясига айланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Навқирон

авлод учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилган улкан ўзгаришлар самарасида барпо этилаётган ўқув масканлари, ёшлар ижодиёти марказлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ўғил-қизларнинг беғубор орзу-ниятлари рўёбга чиқишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

Adabiyotga e'tibor — ma'naviyatga, kelajakka e'tibor

## КИТОБ БИЛАН МУНАВВАР ҲАЁТ!

Юксак маънавиятли, илму маърифатнинг қадрига етадиган, ўз олдига юқори мақсадларни қўйган инсон учун мутолаадан ҳам яхшироқ ва завқлироқ машғулот бўлмайди. Тенгдошларимиз орасида китобни дўст тутган, ҳаётини унинг зиёсисиз тасаввур қилолмайдиган йигит-қизлар кўп. Тошкент молия институтида бўлиб ўтган «Китобхонлар байрами» талаба-ёшлар маданий-маърифий танловининг республика босқичини кузатиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

7-саҳифага қаранг



## СУВЛИ-БОТҚОҚЛИ ҲУДУДЛАР ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА



«Пойтахт» бизнес марказида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси биологик хилма-хилликни асрашда сувли-ботқоқли ҳудудларнинг ўрни, уларнинг орнитофаунаси ва муҳофаза қилиш истиқболлари масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тадқиқотчи олимлар, эколог ва орнитолог мутахассислар иштирок этди.

(Давоми 6-саҳифада)

**Фавкулдда вазиятлар вазирлигида «Аҳолини табиий ва техноген тусдаги фавкулдда вазиятларда ҳаракатланишга тайёрлаш» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги қарори билан «Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавкулдда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастури» тасдиқланган бўлиб, унинг талабларига мувофиқ Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари тизимларида таълим олаётган ёшларни фавкулдда вазиятларга тайёргарлик даражасини ошириш чоратадбирлари кўриломоқда.

Фавкулдда вазиятлар вазирлиги томонидан 2014 йил давомида «Зилзилалар оқибатида юзага келган фавкулдда вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракатланишга ўргатиш» мавзуида 73та махсус тактик-ўқув машқлари ўтказилиб, уларга 6516 нафардан ортиқ ишчи-ходим ҳамда аҳоли жалб этилган. Аҳолини фавкулдда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга ўргатиш борасидаги ишлар умум-мажбурий равишда мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, корхоналар ва аҳоли яшаш жойларида амалга оширилмоқда.

**Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## ИЛМИ БОР АДАШМАЙДИ

**«Камолот» ЁИХ Данғара тумани кенгаши ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида тумандаги 21-мактабда «Интернет ва мобил телефон орқали диний экстремизм ва терроризмга оид материаллардан сақланиш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўз олган мутахассислар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўқувчиларнинг диний қарашларини тўғри шакллантириш, турли ёт ғоялар таъсирини тушиб қолишининг олдини олиш хусусида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

— Тенгдошларимиз орасида ўзи билмаган ҳолда турли диний оқимлар таъсирини тушиб қолаётганлар учраб туради, — дейди 9-синф ўқувчиси Сарвиноз Бойматова. — Бу каби тадбирлар биз учун жуда ҳам фойдали. Бугунги давра суҳбатида керакли маълумотларга, хусусан, турли диний оқимларнинг зарарли ғоялари қандай мудҳиш оқибатларга олиб келиши ҳақида тушунчаларга эга бўлдик.

Ушбу мавзудаги давра суҳбатлари тумандаги барча мактабларда ўтказилади.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

# САРҲИСОБ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

**(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)**

Ўтган 2014 йилда Ҳаракат тизимида ёшларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни демократик тамойиллар, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ҳамда жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш мақсадида қатор ишлар қилинди. Қайд этилишича, ушбу дастур ва 2014 йилга мўлжалланган иш режалари асосида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий-маърифий, тадбиркорликни ривожлантириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўналишлари бўйича 33 мингдан ортиқ тадбир ташкил этилиб, уларга 18 миллион нафардан зиёд

йигит-қиз қамраб олинган. Жумладан, «Ёш чегарачи», «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари, «Сиз қонунни биласизми?», «Камолот» стипендияси» кўриктанловлари, «Мутахассислик — сенинг келажагинг», «Таълим ва мутахассислик» кўргазмалари, «Биз буюк юрт фарзандларимиз», «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестиваллари, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати», «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳалари ўтказилди. Ҳаракат ташаббуси остида ёшлар давлат ҳокимияти бошқаруви органлари ҳамда суд органлари фаолияти билан яқиндан танишди.

«Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳаси доирасида икки минг нафарга яқин ўғил-қизнинг тадбиркорлик соҳасида билим ва

тажрибалари оширилган бўлса, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Менинг бизнес ғоям» танловида 112 нафар ёшга тижорат банкларидан 1,5 миллиард сўм миқдорида кредит олиш учун тавсияномалар, 28 нафар танлов ғолибига 312,5 миллион сўм миқдорида имтиёзли фоизларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи диплом берилди. Шунингдек, Ҳаракат қошидаги тўртта «Ёшлар маркази» ва 96та «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказидаги 318 тўғарак ва ўқув курсида 57 минг нафар ўғил-қиз турли касб-хунар бўйича бепул ўқитилди.

Ҳисобот йиғилишида ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани айтиб ўтилди. Ёшлар ташкилоти фаолиятини самарали йўлга қўйишда кадр-

лар муҳим аҳамият касб этади. Бироқ 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ҳаракат тизимидаги барча ҳудудий кенгашларда қирқ тўртта вакант лавозим мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, йиғилишда йиллик ҳисоботлар таҳлил қилинганда Ҳаракатнинг айрим кенгашлари томонидан бошланғич ташкилотлар, кадрларнинг маълумотномалари, аъзолик анкеталари, ҳудудий кенгашлар томонидан тақдим этилган йиллик ҳисоботлар белгиланган тартибда тўлиқ топширилгани қайд этилди. Фаолияти давомида сусткашликка йўл қўяётган айрим ҳудудий кенгашларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилгач, Ҳаракатнинг 2015 йилга мўлжалланган иш режаси таништирилиб, муҳокама этилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар инobatга олиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

### Xabarlar

## Бўлажак шахмат усталари

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилган «Камолот» шахмат тахтаси» турнирининг саралаш босқичи беллашувлари давом этмоқда.

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшлар ўртасида шахматни кенгроқ тарғиб қилиш ва оммалаштириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш

мақсадида ташкиллаштирилган ушбу мусобақа Сирдарё вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Гулистон шаҳридаги 1-мактабда саккиз ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 176

нафар ўқувчи ўзаро баҳс олиб борди ва шундан ўн олти нафари шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Мусобақа якунида ҳар бир ёш тоифаси бўйича ғолибликка эришган иш-

тирокчиларга ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари ва «Камолот» ЁИХ Гулистон шаҳар кенгашининг фахрий ёрликлари топширилди.

**С.ИСМАТОВ**



## Қонун ҳужжатлари аҳоли муҳокамасида

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида ягона портал орқали қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини баҳолаш тизимини жорий қилишга доир семинар ташкил этилди. Унда 60дан зиёд давлат органларининг мутахассислари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги қарорига мувофиқ ягона интерактив давлат хизматлари портали — [www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz)да тадбиркорлик фаолиятига оид ишлаб чиқилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш ва қабул қилинган норматив ҳужжатларни баҳолаш бўйича янги тизим ишга туширилган. Ушбу тизим орқали аҳоли ва тадбиркорлик

субъектлари лойиҳалар ва қабул қилинган ҳужжатларни муҳокама қилиши мумкин.

Порталда фойдаланувчилар билдирган изох ва таклифларни тегишли давлат органлари кўриб чиқади ҳамда уларни инobatга олиш ёки рад этиш бўйича қарор қабул қилади.

Семинар иштирокчилари Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелда-

ги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар, давлат органлари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар ва маҳаллий ҳокимият органларининг расмий веб-сайтларини юритишда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар юзасидан қўйилган талаблар бўйича ҳам билим ва кўникмаларга эга бўлди.

Яқунда давлат бошқарувида, жумладан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ахборот технологияларида самарали фойдаланиш, муҳим масалаларни таҳлил қилиш ва қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

**Жавлон ВАФОЕВ,**  
«Turkiston» мухбири

Kun mavzusi

# МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕАГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Семинарда округ сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилиги ва уни амалиётда қўллаш ҳақидаги хабардорлик даражасини ошириш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилишнинг турли жиҳатлари, сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича долзарб вазифалари муҳокама қилинади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини очиқ ва адолатли сайловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сайловларда фуқароларнинг турли

фикрлари, орзу-умидлари намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида миллий сайлов тизими Ўзбекистонда амалга оширилган изчил ва босқичма-босқич ислохотлар натижасида вужудга келди. Демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган сайлов тизимимиз фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлай олди.

Миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда очиқлик ва ошкоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов

комиссиялари мустақил тизимнинг амал қилишидир. Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни амалга оширади. Марказий сайлов комиссияси сайловни демократик тамойиллар асосида ташкил этади, ўтказишни ва сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари ўз ишида қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик тамойилларини таъминлашга доимий равишда эти-

бор бериши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Бош қомусимизнинг 117-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ сайлов умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Республикаимизнинг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир.

Иштирокчилар икки кунлик семинар-тренинг давомида миллий сайлов қонунчилигидаги сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари масалалари, халқаро сайлов



стандартлари, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловнинг очиқ ва ошкоралиги, кузатувчилар институтининг сайлов жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек, бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг бошқа жиҳатларига оид маълумотларга эга бўлади. Семинар давомида улар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси фаолияти билан ҳам танишади.

**Жавлон ВАФОЕВ,**  
«Turkiston» мухбири

## ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ҚИЗИМАН

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Юксак марралар сари интилаётган, берилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётганлар қаторида мен ҳам борлигимдан бахтиёрман. Истиқлолга тенгдош эканимдан ғурурланаман, Ватаним билан бирга улғайиб бораётгандек сезаман ўзимни. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси сифатида беихтиёр дилимдан «шу гўзал юртнинг бахтли қизиман!» деган сўзлар кечади.

Мактабда ўқиб юрган кезларимда турли танловларда иштирок этиб, ғолиблик нашидасини оила аъзоларим, айниқса, бувим билан баҳам кўрардим. Шунда у киши «болам, бу – бошланиши, ҳали сен каби ёшларни дунё танийди. Шундай кунлар умидида яшаган биз кексаларнинг кўзимизни қувонтирган ютуқларингиз кўпайиб, бутун халқимизни севинтиради», деб алқар эдилар.

Президентимизнинг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ адабиёт, санъат, маданият, фан, таълим соҳаларида фаол изланаётган, интилувчан ва ташаббускор қизлар ушбу юксак мукофотга сазовор бўлмоқда. Бу эътиборга муносиб бўлган қизлар ҳар бир соҳада ўз ютуқлари билан Зулфия издошлари эканини намоён этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қалбимизга шодлик олиб кириши баробарида зиммамиздаги масъулиятни янада оширганини таъкидламоқчиман.

Бу масъулият, яратилаётган шароит биз, ёшларни билдирилган ишончга муносиб бўлиш учун янада кўпроқ изланишга, катта мақсадлар сари интилишга, улкан ютуқларга эришишга ундамоқда.

Лицейда таҳсил олаётган вақтимда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган «Қизлар давраси», «Дунёни беринг болаларга!», «Камолот маликаси» каби кўрик-танлов-

ларда, фан олимпиадаларида ғолиб бўлдим. 2009 йили Москвада бўлиб ўтган рус тили ва адабиёти фанидан XII халқаро фан олимпиадасида рағбатлантирилдим. Хорижда ўтказилган қатор илмий-амалий конференцияларда қатнашдим. Ўша йили таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бу янги ҳаётга қадам қўяётган мендек ёш қизга билдирилган юксак ишонч эди.

Инглиз, немис тилларида бемалол сўзлаша оламан. Халқаро конференцияларда таржимон сифатида ҳам иштирок этмоқдаман. Бу тадбирларда юртимизга дунёнинг етакчи мамлакатларидан келган олимлар, профессорлар, соҳа мутахассислари жаҳон ҳамжамияти бугун Ватанимиз эришаётган ютуқларни эътироф этаётганини таъкидлайди. Бу қалбимдаги фахр ва ғурур туйғуларининг янада жўш уришига сабаб бўлади.

2013-2014 ўқув йилида хорижий тиллар таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори бўлдим. Бу менга шу юрт келажаги учун бор кучим билан, Юртбошимизнинг «Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради», деган сўзлари масъулиятини ҳис этиб, олға интилишимга куч бағишлайди.

Шундай озод ва обод юртда туғилганим, шу диёрда ўсиб-улғаяётганим учун қалбимни шукроналик ҳисси чулғайди. Мен ўзимни шу Ватан тақдирига дахлдор, шу юртнинг бахтли фарзанди, деб биламан.

**Дилноза КАТТАХОНОВА,**  
**Мирзо Улуғбек номидаги**  
**Ўзбекистон Миллий**  
**университети магистранти,**  
**Зулфия номидаги Давлат**  
**мукофоти лауреати.**  
(ЎЗА)



## ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда журналистнинг масъулияти» мавзуида давра суҳбати ҳамда «Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида» республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш бераётганини жамоатчиликка етказишда ОАВ ходимларининг масъулиятини янада ошириш, уларни амалга оширишда кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида» республика танлови ғолиблари тақдирланди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалаларини қамраб олган мақолаларни мунтазам ёритиб бораётган журналистлар ора-

сон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида» республика танлови ғолиблари тақдирланди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалаларини қамраб олган мақолаларни мунтазам ёритиб бораётган журналистлар ора-

сидан энг муносиблари ғолиб деб топилди. «Ватанпарвар» газетаси мухбири Наргиза Асадова биринчи, «Ҳуқуқ ва бурч» журнали мухбири Жамшид Ниёзов иккинчи, «sharh.uz» сайтидаги мақолалари учун Шарофиддин Тўлаганов учинчи ўрин соҳиб бўлди.

— Бундай танловлар биз, журналистларнинг профессионал билим ва кўникмаларимиз, мавзуга доир хабардорлик даражамиз ошишига ёрдам беради. Бу эса миллий босма оммавий ахборот воситаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид масалаларнинг янада теран ва чуқур ёритилишини таъминлайди, — дейди танлов ғолибларидан бири Шарофиддин Тўлаганов.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

Ilm sarhadlarida

# КАЙФИЯТ ВА АСАБ ЎЗАРО БОҒЛИҚ...

Инсон бош мияси сир-синоатларга бой. Олимлар унинг имкониятларини хусусиятларини аниқлаш ва баҳолашга интилиб келган. Бу бўйича ҳар йили юзлаб тадқиқотлар олиб борилса-да, аммо бош миянинг кўпгина жиҳатлари ҳануз жумбоқлигича қолмоқда.



Рустам Назарматов олган сурат

Айталик, бош мияда хотира қандай механизм асосида шаклланади? Фикрлаш, ҳиссиёт каби психик ҳолатлар қай тарзда пайдо бўлади? Кайфият-чи? Бош миянинг қарши жараёнига таъсири қандай?.. Шунга ўхшаш саволлар ҳамма кизиқтириши табиий. Замонавий илм-фан уларга баҳоликудрат жавоб беришга ҳаракат қилмоқда.

Бош миямиз юз миллиард нерв хужайраси (нейронлар)дан ташкил топган. Улар ҳар сонияда организмда содир бўлаётган юзлаб реакцияларни бошқариб, қабул қилинаётган ва узатилаётган импульсларни

анализ ҳамда синтез қила олади. Инсон ўсгани сайин мия йлига қарийб 1 граммдан кичрайиб боради. Ва аксинча, она қорнида ривожланаётган ҳомилада ҳар дақиқада 250 мингта нейрон ҳосил бўлади.

Чақалоқ миясида ўн миллионга яқин, орқа миясида эса 13,5 миллион нерв хужайраси билан дунёга келади. Асаб тизими орқали бош мияга импульслар сониясига 100 метр тезлик билан узатилиши фанга маълум.

Кайфият асаб тизимига бевосита боғлиқ. Улардан бирининг ўзгариши инсон организми ёки рухий ҳолатига кескин

таъсир этади. Масалан, организмда биргина В витаминининг етишмаслиги асаб тизими фаолиятини издан чиқаришга сабаб бўлар экан. Натрий ва калий эса миянинг аъло даражада ишлашини таъминловчи муҳим кимёвий элементлар сирасига қиради. Овқат рационида улар етарли миқдорда бўлмаса, асаб, демакки, кайфиятимиз ҳам бузилади. Бунинг натижасида инсоннинг салбий эмоциялари атрофдагиларга таъсир қилади. Ёмон кайфият — тушкунлик, асабийлик юрак, қон-томир, ошқозон-ичак, нафас йўллари, хуллас, барча органларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилади. Айтиш керак, депрессия (тушкунлик) юрак билан боғлиқ деярли барча хасталиклар, жумладан, инфаркт, юракнинг ишемик касалликларини келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Депрессия ҳатто, ошқозонда яра пайдо қилиши мумкин. Қандли диабет, инсульт ва шу каби хавфли касалликлар ҳам кучли асабийлашиш оқибатида юзага келишини унутмаслик лозим.

Инсон кайфияти айниқса, ошқозон-ичак йўллари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Мутахассислар ичакни «иккинчи мия» деб аташи бежиз эмас. Чунки, овқат ҳазм қилишда иштирок этувчи аъзоларда ҳаммаси бўлиб юз мил-

лиондан ортиқ нерв хужайралари бор. Бу орқа миядаги нерв хужайралари сонидан ҳам кўп. Ошқозон-ичак йўлларидаги нейронлар организмнинг шу қисмида содир бўлаётган барча жараёнларни «сезиш» имконини беради. Бу сезилар кайфиятга таъсир кўрсатади.

Ошқозон-ичак соҳасида овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ кимёвий реакциялар, мускулларнинг ритмик тарзда қисқариши каби механик жараёнлар бир вақтда содир бўлади. Тадқиқотлар натижасида олимларни ҳайратга солган факт шуки, соматик асаб толаларининг 90 фоизи ичаклардан ахборот (масалан, қориндаги оғриқ, нохуш ҳолат, очлик, тўқлик, кўнгил айнаши кабилар)ни бош мияга узатади. Шу боис қорни оч одамни кўпинча хафа, тушкун кайфиятда кўрамыз.

Ичак микрофлораси, яъни ичакда яшовчи бактериялар унинг нормал ишлашини таъминлайди. Улар овқат ҳазм қилишда иштирок этиб, инсон организмда ажралиб чиқмайдиган ферментларни ишлаб чиқаради ҳамда организм учун ниҳоятда керакли бўлган биотин ва К витаминини синтезлайди.

Инсон ички аъзоларида бутун танадаги хужайраларга қараганда ўн баробар кўпроқ микроорганизмлар мавжуд. Баъзан олимлар ичаклардаги

бактерияларни «унутилган орган» деб атайди. Улар юзлаб нейрокимёвий моддалар ишлаб чиқаради. Мия эса ушбу моддалардан фойдаланиб, кайфият, хотира, билим олиш каби ақлий ва физиологик жараёнларни бошқаради. Масалан, ичак бактериялари танадаги серотонин моддасининг 95 фоизидан кўпини етказиб беради. Серотонин кайфият ва ошқозон-ичак йўли фаолиятига таъсир этади. Бундан келиб чиқадики, яъни ичакларнинг микробиоми ичак-мия алоқасида калит вазифасини ўтайди. Серотонин моддаси, шунингдек, иштаҳа ва ҳазм қилиш, уйку, хотира, жинсий мойиллик каби физиологик жараёнларда фаол иштирок этади. Агар организмда серотонин ишлаб чиқарилиши камайса, депрессия вужудга келади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, инсон мияси ва кайфияти унинг организмда кечаётган деярли барча физиологик, кимёвий, физик ва психологик ҳолатларга таъсир этади, ҳатто уларнинг қай ҳолатда эканини белгиловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

**Сабоҳат ТОШПҲЛАТОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Фанлар академияси**  
**Геномика ва**  
**биоинформатика маркази**  
**кичик илмий ходими**

## Qaror va ijro

Марғилон шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими ва ички ишлар бошқармалари, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марғилон шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан шаҳардаги 1-умумтаълим мактабида давра суҳбати бўлиб ўтди.

## Ўқувчининг диққати

**мобил телефондан қимматроқ...**

Ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва ота-оналар иштирок этган тадбирда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва ижроси хусусида сўз юритилди.

— Ўқувчини дарс пайтида мобил алоқа воситасидан фойдаланиши нафақат ўзини дарсдан чалғитади, балки атрофдаги ўқувчиларнинг ҳам диққатини тартади. Бу эса оқибатда фанни яхши ўзлаштирмасликка олиб келади, — дейди Марғилон шаҳар ички ишлар бошқармаси инспектори Дилмурод Мўминов. — Ҳозирда қўл телефони орқали интернет тармоғига уланиш имконияти мавжудлиги бизни янада хушёрроқ бўлишга ундайди. Интернетдан узатилаётган ахборотлар орасида бизга ёт гоъларнинг тарқатилиши ёш авлод онгига жиддий маънавий зарар етказиши мумкин. Бундай ҳодисаларнинг олдини олишда ота-оналарнинг назорати алоҳида аҳамиятга эга.

Бу каби давра суҳбатлари шаҳардаги барча умумтаълим мактабларида ўтказилмоқда.

**Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Shunday markaz bor

# Баҳоси йўқ бойлик

XXI аср — замонавий техника ва технологиялар даври. Унда интеллектуал салоҳиятнинг баҳоси йўқ. Аммо ҳунар шундай бойликки, у ҳар қандай замон ва маконда ўз қадрини йўқотмайди. Халқимиз бежиз «Хунари борнинг хазинаси бор», «Хунарни киши хор бўлмас» демайди. Донишманд шоир эса касбу-хунар, меҳнату илмни мадҳ этар экан, «Хунардан яхши дур йўқ жаҳонда» деб ёзади.

Дарҳақиқат, бир инсонда ҳам илм, ҳам ҳунар жам бўлса, унга фақат ҳавас қилиш мумкин. Бугун ана шундай сифатларга эга бўлган йигит-қизлар юртимизда кўплаб топилади.

Балиқчи туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказида бўлсангиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилишингиз шубҳасиз.

Ушбу даргоҳда 362 нафар ўғил-қиз ҳунар

ўрганаётганини эшитиб, кўз олдимизга келтирдик: бу — келажақда 362 нафар ҳунардон етишиб чиқади дегани.

Марказда 13 йўналиш бўйича тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда мазкур ижодиёт марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 56 миллион 650 минг сўмлик жиҳозлар билан таъминланди. Айни пайтда 18 нафар ўқитувчи бола-



ларга ҳунар сирларини ўргатаётир.

Бундан бир аср муқаддам маърифатпарвар алломаларимиз «икки эмас, тўрт тил керак» дея, хорижий тилларни билишнинг аҳамияти хусусида қимматли мулоҳазаларини, орзу-умидларини билдирган эди. Бу орзу-ниятлар бугунги ўзбек ёшлари тимсолида рўёбга чиқаётгандек.

Зеро, тенгдошларимиз орасида она тилидан ташқари икки-уч, ҳатто тўрт-беш тилда бемалол сўзлаша оладиган йигит-қизлар кўп. Биз ҳикоя қилаётган Балиқчи тумани «Баркамол авлод» болалар марказида ҳам чет тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда инглиз, рус тиллари тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилган. Болалар хорижий тилларни интерфаол усулларда тез ва осон ўзлаштирмоқда. Яқинда Марказда «Бахтли юрт ёшлари» шиори остида кўргазма ташкил этилди. Унда марказ ёшлари ижодий ишларини намойиш этди. Нозимахон Абдумаликова ясаган рангбаранг гуллар, Матлубахон Пиримова тиккан бежирим либослар ва Зуҳра Иброҳимованинг «Баҳор яна қайтади», «Туғилган кун» асарлари кўпчиликка манзур бўлди. Фаол иштирокчилар тақдирланди.

**Қ.АЛЛАМБЕРГЕНОВА**



# ҲАР МИЛЛАТ БУ ЮРТДА ТОПГАЙ САОДАТ!

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Мамлакатимизда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувликни мустақамлашга кўмаклашиш мақсадида 1989 йилдан дастлабки миллий маданий марказлар тузилди. Бу марказларнинг чинакам равнақ топиши юртимиз мустақилликка эришганидан кейин бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарори асосида ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилаётган миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳиллиги ва ҳамжиҳатлигини янада мустақамлашга қаратилган изчил ишларни амалга оширмоқда. Бугунги кунда юртимизда бир юз қирққа яқин миллий маданият марказларининг самарали фаолият кўрсатаётгани миллатлараро муносабатларни, ижтимоий муҳит барқарорлигини янада мустақамлаш йўлидаги улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили тобора мустақамланиб бораётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

— Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, анъана ва қадриятлари, урф-одатларини асраб-авайлаш учун зарур имкониятлар яратиш Конституциямизда белгилаб қўйилган, — дейди Республика байналмилал маданият маркази директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Насриддин Муҳаммадиев. — Умумтаълим мактабларида таълим етти

тилда олиб борилаётгани, оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета-журналлар саккиз тилда чоп этилаётгани, ўн тилда радио ва теледастурлар эфирга узатилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Республика байналмилал маданият маркази миллатлараро муносабатларни янада мустақамлаш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришда миллий маданият марказларига яқиндан кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга оид жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ёшларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, ўз кадр-қимматини теран англаган, мустақил фикрловчи инсонлар этиб вояга етказиш, жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик, тотувлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳитини мустақам-

Қахрамони» унвони, «Дўстлик» ордени ва медаллар билан тақдирланаётгани, шундай рағбатга эришган юртдошларимиз сони 100 нафардан ошгани эътиборлидир.

Ўтган йиллар мобайнида Республика байналмилал маданият маркази томонидан кўплаб илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари, учрашувлар, фестивал ва танловлар ташкил этилди. Республикамининг барча вилоятлари, қатор шаҳар ва туманлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган «Миллий ғоя — бизнинг ғоя», «Миллатлараро ҳамжиҳатлик ва динлараро бағрикенглик — тараққиёт омили» шиори остида доимий ҳаракатдаги кўча семинарлар, «Ўзбекистон Конституцияси: ҳуқуқ, бурч ва масъулият», «Миллий ғоя ва миллатлараро тотувлик масалалари», «Ўзбекистон Конституцияси ва демократик тарақ-

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт».

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси, 18-модда**

лашга ҳисса қўшиш, миллий ва умумбашарий эзгу қадриятлар ва анъаналарни янада равнақ топтириш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш мазкур марказ фаолиятида муҳим ўрин тутаяди. Бундай ғамхўрлик ортидан турли миллатга мансуб фуқароларимиз ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётда фаол иштирок этиб, мустақиллигимизни мустақамлаш йўлида самарали меҳнат қилаётгани, уларнинг меҳнати Ватанимизнинг юксак муқофотлари — «Ўзбекистон

қийёт масалалари» каби мавзулардаги илмий-амалий анжуманлар доимий равишда ташкил этилмоқда.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Биз ягона оила фарзандларимиз!» каби шиорлар остидаги фестиваллар кўп миллатли халқимизнинг чинакам дўстлик байрамига айланиб улгурган, десак муболага бўлмайди. Ҳар йили миллий айёмларимиз марказ бошчилигида миллий



маданият марказлари билан биргаликда муносиб нишонланмоқда. Шунингдек, Конституциямиз қабул қилинган санага бағишлаб ҳамда Халқаро бағрикенглик кўни муносабати билан илмий-амалий конференциялар, учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилган. Булар сирасига миллий маданият кунлари, декадалари, миллий байрамларни ҳам киритиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида Республика байналмилал маданият маркази томонидан миллий маданиятларнинг назарий ва амалий асослари, миллатлараро ва конфессиялараро уйғунлашув ҳақида йигирмадан ортиқ адабиётлар нашр этилди. Айниқса, «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ўзбекистон — бағрикенг диёр», «Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажгимиз кафолати», «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини каби китоблар кенг омма эътиборини ўзига тортди.

— Соғлом фикрли ва эътиқоди мустақам инсонларнинг барчаси табиатан тинчликка, қувончу шодликларга интилиб яшайди. Қаерда шуни топса, бутун қалби, орзу-армонлари билан ўша ерга боғланиб қолади, — дейди Н.Муҳаммадиев. — Ўзбек халқи азал-азалдан нафақат сабр-тоқатли, балки инсонпарвар, бошқаларга нисбатан бағрикенг, меҳр-оқибатли халқ.

Жорий йилда ўзининг 23

йиллигини нишонлаётган Республика байналмилал маданият маркази таркибида биттадан араб, болгар, бошқирд, грек, грузин, дунган, литва, хитой, крим-татар ва қорақалпоқ; 2тадан белорус ва бухоро яхудийлари; 3тадан уйғур, татар-бошқирд ва турк; 4тадан арман ва немис; 5тадан поляк, татар ва яхудий; 6тадан қирғиз ва украин; 7тадан туркман ва озарбойжон; 9та қозоқ; 10та тожик; 21та рус; 27та корейс маданият маркази фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Республика байналмилал маданият маркази мамлакатимизда миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни янада мустақамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий дўстлик уйига айланди». Бизнинг саховатли заминимиз Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган. Бу ерда катта қарвон йўллари туташган, савдо-сотик, маданият, илм-фан равнақ топган, турли цивилизациялар вакиллари минг йиллар давомида баҳамжиҳат яшаган, миллий урф-одат ва анъаналар ривожланган. Буларнинг барчаси халқимизга хос меҳмондўстлик, бағрикенглик, бошқа маданият ва динларга нисбатан ҳамшиша ҳурмат билан қараш самарасидир.

**Санжар ИСМАТОВ,  
«Turkiston» муҳбири**

Ta'lim taraqqiyoti

## Коллеж ўқувчилари мобил иловалар яратмоқда



Тошкент ахборот технологиялари университетида корейлик мутахассислар иштирокида коллеж ўқувчилари учун дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича семинар-тренинг ўтказилмоқда. Шу мақсадда юртимизга Корея миллий транспорт университетидан 9 нафар кўнгилли ёш мутахассис таклиф этилди. Улар тренингларни ТАТУ талабалари билан бирга олиб бормоқда.

Таъкидлаш керак, мазкур семинар Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Корея миллий транспорт университети-нинг иккинчи ҳамкорликдаги лойиҳасидир. Дастлабки лойиҳа ўтган йилнинг бошида амалга оширилган эди. Ўқув алмашинув амалиётининг мунтазам тус олаётгани юртимиз ёшларига соҳага оид билимларини янада бойитиш ҳамда хорижий тажриба билан яқиндан танишиш имконини бермоқда. Жорий йилги лойиҳага Қуйи Чирчиқ транспорт ва сервис, Тошкент ахборот технологиялари ҳамда Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежлари қамраб олинди. Амалий машғулотларда ўқувчилар андроид операцион тизими асосида ишлайдиган смартфон ва мобил қурилмалар учун иловалар ишлаб чиқишни ўрганапти.

Ўқув семинари 10 февралгача давом этади. Унинг доирасида ўқувчилар яратган энг яхши дастурий маҳсулотлар ярмаркасини ташкил этиш режалаштирилган. Машғулотларни муваффақиятли якунлаган тингловчиларга сертификат ва совғалар топширилади.

**Наргиза БАҲОДИРОВА**

# СУВЛИ-БОТҚОҚЛИ ХУДУДЛАР ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Жаҳон ҳамжамияти томонидан мазкур масалага жамоатчиликнинг эътиборини кенг жалб этиш мақсадида 1971 йил 2 февралда имзоланган «Халқаро аҳамиятга эга бўлган асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари ҳисобланган сувли-ботқоқли ҳудудлар тўғрисида»ги халқаро конвенцияга аъзо бир юз олти миш саккизта мамлакат орасида Ўзбекистон (2001) ҳам бор. Конвенция мамлакатимизда 2002 йил 2 февралдан кучга кирди. Бу эса атроф-муҳит экологиясининг барқарор ривожланишини таъминлаш масалаларига бепарқ эмаслигимиздан далолатдир ва бугунги кунда шундай ҳудудларни муҳофаза қилиш ва илғор халқаро тажрибаларни ўзлаштириш йўлида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

2 февраль — Жаҳон сувли-ботқоқли ҳудудларни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари К.Содиқов ва бошқа-



лар табиатнинг бундай ноёб ҳудудларини асраш экология соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланганини таъкидлади.

Республикада сувли-ботқоқли ҳудудлар бир миллион гектарни ташкил этади. Айни пайтда юртимизда конвенцияда белгиланган вазифаларни

ўз вақтида бажариш юзасидан махсус дастур ва лойиҳалар асосидаги изчил ишлар самараси ўлароқ, Бухоро вилоятидаги Денгизкўл ва Жиззах вилоятидаги Айдар-Арнасой кўллари тизими халқаро миқёсда муҳофаза этиладиган ҳудудлар рўйхатида киритилди. Туябўғиз, Каттақўрғон, Тўдакўл, Куйимозор, Чимқўрғон сув омборлари,

Хадича, Зикри кўллари эса жамият томонидан қузатиладиган ҳудудлар рўйхатида олинган. Конвенциянинг миллий координатори табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳисобланади. Бундай ишлар Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Давбионазорат инспекцияси томонидан Тўдакўл ва Куйимозор сув омборларида янги ҳудудларни ташкил этиш лойиҳаси тайёрланди.

Бу борадаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда нодавлат ташкилотларнинг ҳам фаол иштирок этаётгани эътирофга лойиқ. Жумладан, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва Глобал экологик жамғарма томонидан Қорақалпоғистон Республикасидаги Судочье кўлини қайта тиклаш ва халқаро миқёсдаги сувли-ботқоқли ҳудудлар рўйхатида киритиш бўйича лойиҳа амалга оширилди.

— Республикада табиий сувли-ботқоқли ҳудудлар — дарёлар, кўллари, сув омборлари ҳамда ирригацион тизимлар мавжуд бўлиб, умумий сув ҳажми 19,4 миллиард куб метрга тенг бўлган 53та сув омбори бор, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институти экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси мудири Нўъмонжон Эгамбердиев. — Мамлакатимиз сув ҳавзаларида қушларнинг 130дан

ортиқ тури учрайди. Уларнинг 20дан ортиғи Халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Ҳар йили республика-миз ҳудудидан 4 миллиондан зиёд сувда сузувчи қушлар учиб ўтади. 2007 йилда ташкил этилган Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти олимлар, тадқиқотчилар ва талабаларни жалб этган ҳолда мамлакатимизнинг турли вилоятларидаги 14та муҳим орнитологик ҳудудларда сувда сузувчи қушларнинг куз, баҳор ҳамда қишки мониторингини олиб бормоқда.

Тадбирда мамлакатларда экологик барқарорликни таъминлашнинг асосий воситаси ҳисобланган ветландларнинг бугунги кундаги ҳолати муҳофаза қилинди. Ўзбекистоннинг сувли-ботқоқли ҳудудларини асраш, Жанубий Оролбўйи ветландларида амалга оширилаётган экологик лойиҳалар, Судочье кўлининг орнитофаунаси муҳофазаси, давлат, жамоат ташкилотлари, тадқиқотчилар иштирокидаги орнитологик қузатувлар натижаларига доир видеоролик намойиш қилинди. Яқинда муҳофаза этиладиган янги ҳудудларни кенгайтириш, барқарор ривожланишга эришиш борасидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## Ко‘згу

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг ўрни» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

## МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛИШ МАЪНАВИЙ ОЛАМНИ БОЙИТАДИ

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ёшларнинг маънавий оламини янада бойитиш, уларга юқори савияда хизмат кўрсатиши, чекка ҳудудларда яшаётган ўғил-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, иқтидорли ёш ижрочиларни бадиий ҳаваскорлик ва фольклор жамоалари, замонавий студия ва тўғарақларга жалб этиш, шунингдек, ўзлари қизиққан йўналиш бўйича шуғулланишлари учун имконият яратиш хусусида сўз борди.

Анжуманда бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 2та, Хоразмда 3та, Андижонда 5та, Фарғонада 3та, Наманганда 4та, Навоийда 2та, Самар-

қандда 7та, Жиззахда 2та, Тошкент вилоятида 13та — жами 41та марказ тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилгани, уларда бадиий ҳаваскорлик ва халқ ижодиёти, миллий амалий санъат каби турли йўналишлар бўйича 4000га яқин тўғарақ ва студиялар фаолият юритаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «2013 — 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида замонавий марказларда ёшларнинг эстетик ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган маданий-маърифий хизматларни кенг йўлга қўйиш, халқ ҳаваскорлик ижодиёти, миллий амалий санъат, номоддий маданий мерос дурдоналарини ўрга-

ниш бўйича тўғарақлар, ижодий студиялар, ахборот коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш курслари, мунозара клублари, спортнинг кўплаб турлари ҳамда интеллектуал ўйинлар, мусобақа, танловлар, фото ва амалий санъат кўргазмалари ташкил этиш режалаштирилаётгани маълум қилинди.

Анжуман давомида соҳа мутахассисларининг таҳлилий маърузалари тингланиб, тадбир сўнггида маърузалар юзасидан очиқ мулоқот ва савол-жавоб ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган анжуман иштирокчилари учун Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг профессор-ўқитувчилари томонидан маҳорат дарслари ўтилди.

**Парвина ОМОНОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Olam — mo‘jizalarga boy

# Дунёни танитган бармоқлар

Мамлакатимизда имконияти чекланган инсонлар, хусусан, кўзи ожизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Улар учун кўпгина зарур адабиётлар билан таъминланган махсус кутубхоналар ташкил этилган. Шундай масканлардан бири Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасидир.

Кутубхона фондида 140 мингдан ортиқ адабиёт мавжуд. 2010 йилда у ердаги компьютерларга овозли дастурлар ўрнатилди. Бу орқали кўзи ожизлар компьютер техникасидан соғлом одамлардан қолишмай фойдаланиши мумкин.

— Кутубхонада Брайл ёзувидаги китоблар, магнит тасмалар, аудио кассеталар ва компакт дисклар кўринишидаги китоблар мавжуд, — дейди кутубхонанинг бўлим мудири Гавҳар Мардонова. — Босма ҳарфдаги одатий китоблар ҳам фойдаланувчиларимиз ихтиёрида. Ўзбекистон Республикаси кўзи ожизлар жамиятининг ягона нашри бўлган «Бир сафда» журнали эса уларнинг доимий ҳамроҳига айланган. Бундан ташқари, эллик номдаги газета ва журналларга, шунингдек, Брайл ёзувида чоп этиладиган бир қатор хорижий матбуот нашрларига ҳам обуна бўлганмиз. Кутубхонамиз нафақат кўзи ожизлар, балки мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларига ҳам хизмат кўрсатади.

Айни пайтда кутубхонани адабиётлар билан бойитиш, китобларни сақлаш, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш ҳамда услубий кутубхона бўлимли фаолият кўрсатмоқда. Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими кутубхона тизимидаги муассасаларгагина эмас, балки кўзи ожиз, ёлғиз қолган катта ёшдаги китобхонларга буюртма асосида ҳар ойда янги адабиётлар етказиб туради.

— Кўчма кутубхоналар орқали хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган, — давом этади Гавҳар Мардонова. — Муассасамизда Мустақиллик, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Янги йил бай-

рамлари, шунингдек, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимизнинг таваллуд кунлари муносабати билан маданий тадбирлар ўтказиб турилади. Доимий тадбирлардан бири китоб ҳафталиги бўлиб, у ҳар йили ташкил этилади. Мақсадимиз ёшлар орасида китобхонликни кенг тарғиб этишдир.

— Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасига 2008 йилда аъзо бўлганман, — дейди Тошкент маданият коллежи ўқувчиси Абдурасул Салимов. — Керакли адабиётлар ва кўлланмаларни топишда қийналмаймиз. Бу борада бизга кутубхона ходимлари ёрдам беради, ўз тавсияларини аямайди. Ҳатто бирор адибнинг асарини сўрасак, аввал у ҳақида гапириб беради. Мен кўпроқ Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик каби ёзувчиларнинг ижодига қизиқаман. Кутубхонада компьютер сабоқларини ҳам оляпман. Машғулотларда овозли дастурлар орқали компьютерда ишлашни ўрганаемиз.

Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети талабаси Гулжаҳон Шарофова ҳам Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасининг доимий аъзоси. У «Бир сафда» журналининг ҳар бир сонини мутолаа қилиб боради.

— Кутубхонадаги барча янги адабиётлар билан танишиб чиқишга ҳаракат қиламан, — дейди Гулжаҳон. — Овозли дастур ёрдамида компьютер билан ишлашни ўргандим. Эндиликда интернетга ҳам кириб, янада кўпроқ янгиликлардан хабардор бўлишим мумкин.

**Нилуфар МУРОДОВА,**  
ЎЗМУ талабаси

# КИТОБ БИЛАН МУНАВВАР ҲАЁТ!

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Олий таълим муассасаларида китобхонликни кенг тарғиб этиш, талабаларнинг мутолаага бўлган қизиқишини янада ошириш ва рағбатлантириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу танлов беш йўналиш — «Китоб — тафаккур хазинаси» мақолалар танлови, «Энг фаол бадий асарлар тарғиботчиси», «Ёш ижодкор талаба», «Асарлардан яралган сахна асарлари», «Асарлардан яралган наволар» бўйича ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган иқтидорли ва билмдон ёшлар иштирок этди.

— Мазкур кўрик-танловнинг биринчи босқичи олий таълим муассасаларида 2014 йил март ойида ўтказилган бўлиб, унда 653 нафардан зиёд талаба иштирок этди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази гуруҳ раҳбари Мансур Юнусов. — Навбатдаги босқич 2014 йил апрель ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида ўтказилди. Унда 630 нафардан ортиқ талабалар иштирок этиб, улардан 85 нафари ўз жамоаси билан биргаликда республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

## МУТОЛААНИ СЕВУВЧИ ТАЛАБАЛАР

Танловда бадий асарлар мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш, унда баён этилган воқеа-ҳодисаларни талқин этиш, нотиклик маҳоратининг таъсирчанлик даражаси ва асарлардаги инсонпарварлик, фидойилик, она-Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий урф-одат, анъана ҳамда қадриятларга ҳурмат руҳи акс этиб турган ижодий ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ажодларимиз ва замонамиз қаҳрамонлари сиймосини яратиш, кексаларнинг одоб-ахлоқ борасидаги ўғитлари, та-



Тадбирдан лавҳа

рихимиз, боболар меросининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида мазмунан теран, халқимиз маънавий мулкига айланган асарлардан тузилган кўшиқлар муносиб баҳоланди.

Танлов иштирокчилари барча йўналишлар бўйича мурасасиз кечган баҳсларда ўзларининг нималарга қодир эканини кўрсатди. Беллашувлар профессионал даражада, таниқли адабиётшунослар, санъат арбоблари ва кўшиқчилар, актёрлар томонидан баҳолаб борилди. Ғолиблар энг кучлилар ичидан саралаб олинди. Унга кўра, «Китоб — тафаккур хазинаси» мақолалар танловида 1-ўринни Тошкент кимё-технология институти талабаси Хуснора Абдумаликова эгаллаган бўлса, кейинги ўрин Самарқанд давлат университети талабаси Ойдиннисо Насриддиновага насиб этди. Учинчи ўринга Фарғона давлат университети талабаси Наргиза Абдулазизова муносиб кўрилди.

«Энг фаол бадий асарлар тарғиботчиси» беллашуви натижаларига кўра, 1-ўринни Ўзбекистон Миллий университети талабаси Юлдуз Зоирова қўлга киритди. Қўқон давлат педагогика институти вакили Маҳлиё Баҳодирзода 2-ўринга лойиқ топилган бўлса, 3-ўрин Гулистон давлат университети талабаси Маъруф Азимкулов ва Моҳигул Эргашевага насиб этди.

— Мен шундай нуфузли танловда иштирок этганимдан беҳад хурсанд-

ман, — дейди гулистонлик талаба Моҳигул Эргашева. — Тенгдошларимнинг салоҳиятига қойил қолдим. Янги дўстлар орттирганим энг катта ютуғим бўлди.

Бадий, тасвирий ва амалий санъат намуналари «Ёш ижодкор талаба» йўналишида намойиш этилди. Қизгин баҳслар ниҳоясида Андижон давлат университети талабаси Уфора Ҳабибуллаева пешқадамликни қўлдан бермади. 2-ўринни Қорақалпоғистон давлат университети талабаси Гулзода Утениязова ҳамда Наманганлик Адиба Тўхтасинова эгаллади. Кучли учликни Жиззах давлат педагогика институти вакили Моҳинур Исмоилова якунлаб берди.

## САҲНАГА ЧИҚИШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ!

Танловга келган меҳмонларнинг аксари «Асарлардан яралган сахна асари» йўналиши бўйича ўтказилган залга тўпланди. Иштирокчиларнинг мазкур баҳсга жиддий тайёргарлик кўргани сахна декорацияси, либослар хилма-хиллигию юксак тематика — бугунги куннинг долзарб масалаларини ёритиб берганида аён бўлди.

«Навоий ва Гули», «Алданганлар» каби тарихий, ижтимоий, долзарб сахна асарлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Якуний натижалар шуни кўрсатдики, Наманган давлат университети талабаси Ма-



шхура Раҳмонкулова етакчи ўринни эгаллади. Навбатдаги ўрин Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари Элёр Эсанов, Муҳиддин Холиқов, Хуршид Орипов ва Раҳматилла Ниёзовга насиб этди. Андижон давлат университети талабалари Фуломқодир Рустамов ва Севарабону Алижонов ва 3-ўрин билан тақдирланди.

— Биз аввал бу асарларни китобларда ўқирдик. Тўғри, айримларини ойнаи жаҳон орқали ҳам кўрганмиз. Лекин айнаи шу образларни ўзимиз ижро этганимиз асар сюжетининг хотирамизда мустаҳкам жой олишини таъминлади, — дейди биринчи ўрин соҳиби Машхура Раҳмонкулова.

«Асарлардан яралган наволар» йўналишида ғолибларни аниқлаш бироз мушкул бўлди. Талабаларнинг маҳорати ўртасидаги тафовутлар унчалик ҳам катта бўлмади. Узоқ мушоҳадалардан сўнг ҳакамлар ҳайъати 1-ўринга Бухоро давлат университети талабаси Ҳаким Ҳикматовни муносиб кўрди. 2-ўрин қорақалпоғистонлик тенгдошларимиз Саломат Аяпов ва Эрисбай Асқаровга насиб этди. 3-поғонага эса Тошкент давлат педагогика институти вакили Рустам Валиев кўтарилди.

«Китобхонлар байрами» маданий-маърифий танлови юртимиздаги кўплаб ёш истеъдод соҳибларини бир мақсад йўлида бирлаштирди.

Яқунда барча иштирокчилар фахрий ёрлик, эсдалик совғалар ва махсус дипломлар билан тақдирланди. Таниқли хонандалар ижросидаги куй-кўшиқлар йиғилганларга манзур бўлди.

**Алибек ОМОНТУРДИЕВ,**  
«Turkiston» мухбири.  
Рустам Назарматов олган суратлар

## Kelajakka qadam

## МЕРГАНЛИК СИНОВИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели ўқув-спорт техника клуби унитар корхонасида милтиқдан ўқ отиш бўйича мактаблараро мусобақа бўлиб ўтди. Унда Сергели туманидаги 285-, 104-, 7- ва 8-мактаб ўқувчилари иштирок этди.

— Мазкур турнирда қатнашаётган баъзи ўқувчилар ўқ отиш тўрагагига янги келган, бироқ уларнинг бугунги иштироки бизни қувонтирмади, — дейди Сергели ўқув-спорт техника клуби унитар корхонаси бошлиғи ўринбосари Баҳодир Ериев. — Тўғрақ аъзола-

ри туманлараро беллашувларда ҳам пешқадамлик қилмоқда. Бунга биргаликда олиб бораётган тинимсиз машқларимиз эвазига эришяпмиз. Якуний натижаларга кўра, тумандаги 7-мактаб ўқувчилари 1-ўринни эгаллаган бўлса, 2-ўрин 8-мактаб шарафини

ҳимоя қилган ўғил-қизларга насиб этди. Шоҳсупанинг 3-поғонасига 285-мактаб ўқувчилари кўтарилди.

Иштирокчилар диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**А.АНВАРОВ**

Тошкент давлат аграр университетида талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.

## МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК ЙЎЛИДА

Тадбирда мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий қадриятларимиз мазмун-моҳиятини чуқур сингдириш борасида олиб борилаётган самарали ишлар ҳақида сўз юритилди.

— Бугунги тадбирда ўзимизни қизиқтирган масалалар бўйича зарур маълумотлар олдик, — дейди Тошкент давлат аграр университети талабаси Комил Абилов. — Бу каби учрашув-

лар ёшлар онгига ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учрашув давомида ёшлар орасида диний экстремизм, одам савдоси, «оммавий маданият» каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида яратилган «Гумроҳлар» бадий фильми намойиш этилди.

**Санжар ИСМАТОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda



## МЕХР ВА ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида яшовчи ўн иккита ёш оилага «Камолот» уйлари топширилди.

Ўз билим ва иқтидори билан тенгдошларига ўрناق бўлаётган ёш оила соҳибларининг уй тўйларида Жиззах вилояти ҳокими Сайфиддин Исмоилов меҳмон бўлди ва хонадон эгаларини қутлади.

Сўзга чиққанлар бугун мамлакатимизда Президентимиз

раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга, давлатимизга минг

раҳмат, — дейди янги уй соҳибларидан бири, юнон-рум кураши бўйича халқаро мусобақалар голиби Авазбек Омонов. — Барча шароитларга эга, қулай жойда қад ростлаган янги уй бизга жуда ёқди. Бу ишонч ва эътиборга ўзимизнинг меҳнатимиз, ютуқларимиз билан жавоб қайтарिशга ҳаракат қиламиз.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири

## Sport

## Самбочиларимиз зарари


Самбо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари 2015 йилги спорт мавсумини муваффақиятли бошлади. Қозоғистонда ўтказилган жаҳон кубоги босқичида терма жамоамиз аъзолари еттита медаль соҳибига айланди.

Йигирмадан зиёд давлатдан 200 нафардан ортиқ спортчи иштирок этган мусобақада жанговар самбо бўйича вазни 52 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Раҳматжон Аҳмедов олтин медални қўлга киритди. Иқтидорли полвонимиз спорт самбоси бўйича ўтказилган беллашувларда ҳам муваффақи-

ятли қатнашиб, ўз вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллади.

Жанговар самбо бўйича вазни 100 килограмдан ортиқ бўлган полвонлар баҳсида Исломжон Азимов кумуш медални қўлга киритган бўлса, 74 килограммгача оғирликда Фурқат Рўзиев бронза медаль билан тақдирланди. Спорт самбоси бўйича вазни 90 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида Илхом Йўлдошев энг кучли эканини исботлади. Вазни 57 килограммгача бўлган самбочилар беллашувда Толмас Тўқлиев, 48 килограмм оғирликдаги хотин-қизлар баҳсида Нодира Гулова бронза медаль соҳибаси бўлди.

**Санжар ИСМАТОВ,**  
«Turkiston» мухбири



Замонавий узунлик ўлчов бирликларини ҳаммамиз яхши биламиз. Қадимда ота-боболаримиз шаҳарлар ва қишлоқлар оралигини «қари», «чақирим», «тош»лар билан ўлчаган ва ифодалаган.

1 қари 149 сантиметрдан 320 сантиметргача (мамлакатимизнинг турли ҳудудларида турлича), 1 чақирим эса 1 километрдан зиёдроқ масофани билдирган. Айтинг-чи, 1 тош бугунги ўлчов бўйича неча километрга тенг?

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби:**

**Оёқ кийим — кигиз этик, пийма.**

Бухоро шаҳридан Феруз Маҳмудов, Олтиариқ туманидан Шоҳсултон Тўхтаматов тўғри жавоб йўллади.

Жавобингизни **3 февраль** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади. Саволларга энг кўп тўғри жавоб топган муштарийлар йил якунида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

## Хазина

**Заҳрирдин Муҳаммад Бобур**  
**Ғазал**

*Соғиниб қўлини кўздигил бошита завбодур,  
Не бошита завб — ҳар бириси бошқа балободур.*

*Қош ёси билан ул кўдро кўз га-лиза ўрғини  
Ушироқдигил ўзга сориға отса хатободур.*

*Тар гил десангиз, кўзи ошнинг сўзи Чингизур,  
Хатминин, хато қилмасангиз, музики Катободур.*

*Эвру-са-и ошнинг бошига, топширса-и олға жон,  
Жоли-ида завбас улдуру бошита бу завбодур.*

*Чингиз ўра ёшироқ торак-и қолини, вазили,  
Бу се-и сириники-и бери ола-иға ёдодур.*

*Бобур деса ойини, не толғ, жабру жағромиқ —  
Ки-и, зури э-и ойини, ба-е, жабру жағродур.*

## КАБУТАР УЗРИ

Сўнгра кабулар ўз арзи ҳолини шундай шарҳ этди:

— Эй тўғри йўл кўрсатиш бобида камолот соҳибини! Барча қушлар орасида тангри мен учун халқ қўлидан овқат ейишликни қисмат этди. Халойиқ мен учун маскан ва қошоналар куради, кишилар олдимга сув ва донлар келтириб қўйишади. Жаҳонда мен одамлар тузоғининг маҳбусиман, шу сабабдан уларга одатланиб, ўрганиб қолганман. Тангри менга бу ҳолатни насиб этиб, қисмат дастурхонидан менга шу иш тушибди. Ҳақ шуни раво кўрган экан, ундан бўйин товлаш ақл қонунига мувофиқ келадими?! Қисматга шукр қилиб, бу машаққатли ҳаётга юз қўймаганим авло эмасми?!

## ҲУДҲУДНИНГ КАБУТАРГА ЖАВОБИ

Ҳудхуд унга деди:

— Эй турли баҳонани ўзига касб қилиб олган! Сенга макр ва хийлалар уяси маскан экан! Қушлар сенинг бу ҳолатингдан ҳайратга тушмоқдалар. Сен каби бирорта ғайратсизни топиб бўлмайди.

Тангри сенга бутун коинотни учиб ўтгудек қанот насиб этган. Сен бўлсанг халойиқ олдида зору интизор бўлиб ўтирибсан! Кишиларнинг берган суви донларига асир бўлдинг. Одамлар ёғочнинг учига латта боғлаб, тўдангизни қувиб юришади-ку! Улар сиздек бефойда галани қувлаб, томларини сиздан холи айлайдилар-ку! Улар сизга шунчалик жабр кўрсатишади-ю, сиз эса тамағирлик билан уларнинг ёнидан жилмайсиз, уларнинг тоmidан бўлак бошқа жойга бора олмайсиз!

(Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» асаридан)

## Тафаккур қилмондан бир қайра

Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўла туриб, ишламай, уядаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайдилар.

**Абу Райҳон Беруний**

## SUDOKU

9	1			3	2
		3	9	7	
	2			7	9
		1			8
7	5		2		1
6				5	
	7	2			5
			8	1	9
1	9			6	7

1		6			
4					2
	6	2	4	3	1
		7	4	2	
			5	9	
			7	6	4
	4	2	3	1	8
8	3	6			1
				8	
					2